

Умумий сиёсий иродамиз туфайли барқарор ва орта қайтмас тус олган Марказий Осиёдаги чуқур трансформация жараёнлари кўпқиррали ҳамкорлигимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» биринчи саммитидаги нутқидан.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

2025 йил 9 апрелда Бишкек шаҳрида минтақа касаба уюшмалари ҳаракати учун муҳим тадбирлардан бири – Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг VII йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда миллий касаба уюшма ташкилотлари, давлат органлари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишти. Тадбир меҳнат борасидаги ҳуқуқлар ва ижтимоий адолат соҳаларида мулоқот муҳимлигининг яна бир исботи бўлди.



Таъқамлаш, касаба уюшмалари учун мутахассислар тайёрлаш тизимларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳамкорлик механизмларини кенгайтириш каби кўплаб масалалар ўрин олди. Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ҳамда Мўғулистон вакиллари фаолиятининг жорий ҳолати, касаба уюшмалари тузилмаларини модернизация қилишга, уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган устувор йўналишлар ва тажрибаларни акс эттирган маърузаларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Ҳумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ўз маърузасида минтақадаги бугунги тинчлик ва барқарорликнинг, давлатларaro ҳамкорлик янги маъно-мазмун ва моҳият касб этиб бораётганининг замирида ҳудуддаги давлатлар раҳбарларининг бирлигидаги оқилона қарорлари, сиёсий ирода ва қатъият кўрсатилганлиги ётганини, яқиндагина Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон президентларининг учрашуви бунга ёрқин мисол бўла олишини қайд этди. Шунингдек, у йиллар давомида йиғилиб қолган барча муаммолари

салапар президентларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ўз ечимини топганини, натижада Қамбар Ота ва Роғун ГЭСлари, «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли қурилиши каби йирик лойиҳаларни бирлигида амалга ошириш имконияти пайдо бўлганини, минтақа давлатларида қисқа йўллар орқали йирик портларга чиқиш имконини берадиган Трансафғон йўналиши қурилиши бўйича ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Мажбуриятда Ўзбекистонда катта қирғиз диаспораси истиқомат қилиши, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайланганидан кейин қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш бўйича йирик ташаббусни илгари сургани, бу иш дастлаб Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги асосан қирғиз биродарларимиз истиқомат қиладиган Манас қишлоғидан бошланганига алоҳида урғу берилди.

БУГУН САМАРҚАНДА ЖАМ БЎЛГАН ДУНЁ!



Келажак! Нурафшон ҳикоя учун, Адолат қарорин ҳимоя учун, Урчиған зулмага ниҳоя учун, Юсак кўтарувчи бир гоҳ учун, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Ниятлар ҳолисдир, орзулар бисёр, Деганча, тинчликдан бошқаси бекор, Инсонлар заррача чекмасин озор, Емонлик кўрмасин бу олам зинҳор, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Амир Темур руҳи бўлмиш буеун шод, Муқаддас маскани озоду обод, Ижобат бўлғайдир мақсад мурад, Меҳрдан манзиллар этлган бунёд, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 9 АПРЕЛЬ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, 33 513 ТАСИДА (90,5 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТҚАЗИЛДИ.

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...



ҲАМШИРА ИШГА ТИКЛАНДИ

Меҳнат кодексининг 404.-405-моддаларига кўра, аёл ходим ҳомилидорлик ва бола парварлиши таътилдан сўн аввалги иш жойига қабул қилиниши шарт. Бироқ Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Қорақўйли қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Нарғиза Раҳматовага нисбатан Меҳнат кодексининг ушбу талабига амал қилинмади. У меҳнат ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши қилган муурожаат ўрганиб чиқилганда, иш берувчи ноҳақ эканлиги ойдинлашди.

«ОРОМГОНЛАР.UZ» – ШАФФОФ ПЛАТФОРМА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти «Oromgohlar.uz» платформасини ишга туширди. Таркибига 78 та оромгоҳни жамлаган ушбу платформа пойтахтдан олисда жойлашган, вилоятлардаги айрим оромгоҳларга фарзандини юбормоқчи бўлган ота-оналар учун ҳам айна муддаодир.



Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, рақамлаштириш коррупциядан холи бўлишининг энг асосий шартларидан бири бўлиб, унда ҳамма учун бир хил талаб ва шартлар қўйлади. «Oromgohlar.uz» электрон платформаси ҳам 2024 йилда синов тариқасида жорий этилиб, тажрибалар асосида янада такомиллаштирилган. Натижада 2025 йил давомида Федерация тизимидаги барча болалар соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланма фақат «Oromgohlar.uz»

платформаси орқали сотилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти томонидан республика бўйлаб ҳудудларда платформадан фойдаланиш ва йўлланмаларни харид қилиш бўйича ҳудудий кенгаш раислари ва уларнинг ўринбосарлари, бўлим мудирлари, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари раислари, департаментнинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ҳамда оромгоҳ раҳбарларига

семинар-тренинг ташкил этилмоқда. Улардан асосий мақсад болалар оромгоҳлари йўлланмаларини электрон платформага жойлаштириш ва сотишни амалга ошириш, маълумотлар алмашиш каби вазифалар бўйича туғилган саволларга батафсил жавоб беришидир.

Гулбаҳор АБДУКАРИМОВА, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Матбуот бўлими бош мутахассиси

Тамаддун шу ердан ташлаган қадам, Машиқу Мағриби боғлаган маҳкам, Нури тарихларни битаанда қалам, Илму фан, маърифат, ҳикмати бекам, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Мирзо Улугбекнинг нафаси билан, Шодлик келар шодон, хур саси билан, Улкан орзуларнинг эвази билан, Кўнғилда кўз ёрган ҳаваси билан, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Ғарба ботаган кўёш Шарқда бўлиб тонг, Ошиқар Регистон дийдори томон, Қунар келгани рост чин дорилмон, Олқишлар еру кўк, олқишлар замон, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Қушларнинг парвози кўкларга етар, Боғлару тоғларга етди хушхабар, Кучоқ очар бунда ҳар кент, ҳар шаҳар, Мингалаан дипломнинг орзуси қадр, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Дунёда не кечар? Мазлумлик, азоб... Евузлик чанг солар дипломга шитоб, Бу бахтли кунларнинг ўзи минг китоб! Дўстлик байроғини кўтариб бу тоб, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Бу ҳикмат азалдан келган талъатдир: Бирлашган йўлларнинг гарди баланддир, Бирлашган йўлларнинг қадри баланддир, Бирлашган элларнинг қадди баланддир, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Бирлашмоқ бахш этгай албат улуг ном, Дипларда минг сурур, қалбларда илҳом, Яхшилик ташрифи этади давом, Айни баҳор чоғи, қутлуг бу айём, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Ҳар эзуеу юракни асрар Самарқанд, Узи асраб яна яйрар Самарқанд, Тинчлик қўшиғини куйлар Самарқанд, Буеун дун аҳлига минбар Самарқанд, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Сўнмас бўлсин токи қалбар кўёши, Баланд бўлсин элнинг қадри боши, Фақат шуни тилар буеун Юртбоши, Олам аҳли бўлиб буеун йўлдоши, – Собитлик йўлида интилган дунё, Буеун Самарқандда жам бўлган дунё!

Самарқанд! Юртимнинг бошидаги тоғ, Эй сен саҳий кўёш, меҳрибон кўёш, Яхшилик нурини бошлар узра соч, Тинчлик, эзуликка мудом кучоқ оч, – Мудом эзуликка интилсин дунё, Мудом Самарқандда жам бўлсин дунё!

СИРДАРЁДА ХУДУДИЙ СЕМИНАР

ТАДБИР

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши Федерация, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари иштирокида «Янги тузилган бошланғич ташкилотларда қасаба уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш» мавзусида ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Унда тармоқ қасаба уюшмалари Республика кенгаши ва вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, бошланғич қасаба уюшмалари кўмиталари раислари, корхоналарнинг кадрлар билан ишловчи мутахассислари, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислар, пахта-тўқимачилик кластерлари ва йирик корхоналарда янги тузилган бошланғич қасаба уюшмаси кўмитаси раислари иштирок этишди.



Семинарни Федерациянинг вилоят Кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов очиб, вилоятдаги нодавлат сектор корхоналарида янги бошланғич қасаба уюшмаси кўмиталарини тузиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган ишларга тўхтади. Жумладан, ўтган йили 993 та бошланғич, цех, гуруҳ ташкилотлари тузилиб, 20580 нафар аъзо қасаба уюшма аъзоллигига қабул қилинганлиги таъкидлади.

Тармоқ қасаба уюшмалари ва вилоят Кенгашининг бўлим мудири, мутахассислари аъзоликка янги қабул қилинган бошланғич ташкилотларга фаолиятини устав талаблари асосида йўлга қўйишларида, иш берувчилар ва қасаба уюшмалари ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимлар ва бошқа ички локал ҳужжатлар имзоланишида яқиндан амалий ёрдам бериб келиш-

моқда. 2024 йил якунига оид статистик ҳисоботларга кўра, вилоят бўйича мавжуд 5146 та юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжалиқларидан 5132 таси (99,7 фоизи)да жамоа шартномалари тузилган бўлиб, улар орқали 157 265 нафар ходим ёки умумий ишловчиларнинг 99,2 фоизи қамраб олинган. Тузилган жамоа шартномалари 1360 та бошланғич қасаба уюшмаси ташкилоти (99 фоиз)га нисбатан татбиқ этилган.

Шундан сўнг Халқаро Меҳнат Ташкилоти Меҳнатқашлар фаолияти бўйича бюросининг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергей Гловацкис «Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида қасаба уюшмалари фаолияти: ютуқлар ва муаммолар» мавзусида маъруза қилди. У дунё мамлакатларидаги қасаба уюшмалари фаолиятига тўхталиб, Ўзбекистонда бу ташкилотнинг мавқеи охири бораётганини эътироф этди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаевнинг жамоа шартномаларини тузиш ва бажарилишини таъминлаш бўйича тавсиялари янги сайланган қасаба уюшмаси кўмиталари раислари учун фойдали бўлди. Федерациянинг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Гоибназарова эса меҳнатни муҳофаза қилишда қасаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш қанчалик аҳамиятга эга эканлигини мисоллар билан тушунтириб берди. Федерациянинг Ташкилий ишлар бўлими мудири


уюшмаси ташкилотларида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар олдилар. «Индорама агро» МЧЖ бошланғич қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Шерзод Алибоев бу маълумотларни янада бойитди.

Қизгин мунозаралар, савол-жавоблар семинарга янада мазмун бағишлади.

– Муқобиллик асосида илк бор раисликка сайландим, – дейди «Худудгазтаъминот» АЖ «ХудудгазСирдарё» филиали қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Акмал Бобомирзаев. – Семинарда жуда кўп саволларимга жавоблар олдим, ишни қай йўсида ташкил этиш йўл-йўриқларидан хабардор бўлдим. Бундай семинарлар биз учун жуда зарур.

Тадбир доирасида Халқаро Меҳнат Ташкилоти сектор мудири С.Гловацкиснинг «Индорама агро» МЧЖ ХИИКнинг Оқолтин туманидаги офисига ташрифи амалга оширилди. Унда меҳмон компаниянинг ишлаб чиқариш объектидаги меҳнат жамоаси ва бошланғич қасаба уюшмаси кўмитасига яратилган шарт-шароитлар, қасаба уюшмаси фаолияти, иш берувчи билан ижтимоий шериклик асосида қабул қилинган Жамоа шартномаси, Ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа ҳужжатлар билан таништирилди. Иш берувчи ва ходимлар иштирокида суҳбатлар уюштирилди. С.Гловацкис қасаба уюшмаси ташкилоти ва иш берувчи ўртасидаги ижтимоий шериклик жараёнига ижобий баҳо берди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



САВОЛ: Турмуш ўртоғим тиним билмасдан ишлади. Лекин маоши кам. Ёки мендан яшираптимикан?.. Ҳар ҳолда, иккита жойда ишлайдиган ходим кам пул топишига ишонмай қилди.

Турмуш ўртоғим ишлаётган хусусий корхоналар ҳисобчисига сўровнома билан муносабат қилиб, унинг маоши миқдорини билсам бўладими?

Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Йўқ, мумкин эмас. Зеро, ходимнинг ойлик маоши миқдори тўғрисидаги маълумотлар унинг шахсий ҳаёти ва шахсий сирини тоифасига кирувчи маълумотлар ҳисобланади ва унинг дахлсизлиги тегишли қонун ҳужжатлари билан қўриқланади. Хусусан, Конституциянинг 28-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон шахсий ҳаёти дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ёзишлари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Фуқаролар ўзига доир маълумотлар ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпаланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилишга ҳақли.

Қолаверса, умр йўлдошининг ойлик маоши ҳақидаги маълумотлар у ишлаётган хусусий корхоналарнинг тижорий сирини ҳисоблашни ҳам мумкин. Бундай ҳолатда иш берувчи ходимнинг, яъни эринининг иш ҳақи миқдорига оид маълумотларни ошкор қилган ҳисобчига интизомий жазо чораси қўллаши мумкин.

Шунингдек, инсон ҳаёти дахлсизлигини таъминлашга боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир қилганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тегишлича жавобгарликлар белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



ХИСОБОТ-САЙЛОВ

«Бекобод шаҳридан келдим. Бугунги ҳисобот-сэйловда амалдаги бошланғич қасаба уюшмаси раиси Ҳамдам Юсуповга овоз бердим. Чунки у киши ишга виждонан ёндашади, кимгадир ака, кимгадир ука, бошқа бировга эса отадек меҳрибон. Неча йиллар ўтибдики, билмаганимизни беминнат ўргатиб келади, бирор муносабатни жавобсиз қолдирмайди. Ишчи-ходимларни ўз туғишганидек ҳимоя қилади. Шу сабабли, келгусида бирига самарали ишлаш учун Ҳамдам ака бизга керак!».

Юқоридаги самимий гаплар «Бекобод-шаҳаргаз» газ таъминоти бўлимининг ҳисоб бўйича техниги, цех қасаба уюшмаси кўми-

«ҲАМДАМ АКА БИЗГА КЕРАК!»

таси раиси Моҳира Қўзибоевага тегишли. Қўзғай туманидаги «ХудудгазТошкент» газ таъминоти филиалида бўлиб ўтган ҳисобот-сэйлов конференциясида деярли 90 фоиз делегатлар худди шундай фикр билдиришди.

Конференцияда туман ва шаҳар газ таъминоти бўлимларидан сайланган делегатлар, шунингдек, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим бошлиғи Зарофат Ибрагимова, «Худудгазтаъминот» АЖ Бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Шоназар Аҳмедов иштирок этдилар.

– Тошкент вилоятидаги 22 та туман ва шаҳар газ таъминоти бўлимида шу кунга қадар қарийб бир ярим минг нафарга

яқин аъзолар иштирокида цех қасаба уюшмаларининг ҳисобот-сэйлов йиғилишлари ўтказилди, – дейди «ХудудгазТошкент» газ таъминоти филиали қасаба уюшмаси ходими Гўзал Маҳмадалиева. – Уларда цех қасаба уюшмаси кўмиталарининг 5 йил давомида амалга оширган ишлари кўриб чиқилиб, фаолияти қониқарли деб топилди.

Дастлаб «ХудудгазТошкент» газ таъминоти филиали қасаба уюшмасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2024 йилдаги ижроси якунлари кўриб чиқилди. Бу борада иш берувчи ҳамда бошланғич қасаба уюшмаси кўмитасининг ҳисоботлари тингланди. Йиғилганлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, жамоа шартномаси ижросини қониқарли деб топиди. Шунингдек, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиши сўраб тақдимнома киритганида бошланғич қасаба уюшмаси ходимини ҳимоя қилиши, ҳар ишда ҳалолликка қатъий риоя этиши кераклигини алоҳида таъкидлашди. Ишларни янада самарали олиб бориш, ходимларнинг оғирини енгил қилиш юзасидан таклифлар билдиришди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган конференцияда эса филиал бошланғич қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Ҳамдам Юсуповга яна бир бор ишонч билдирилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

АКБАРАЛИ АҲМЕДОВ РАИС БҮЛДИ

Айни кунларда пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларида ҳисобот-сэйловлар ўтказилмоқда. Уларнинг навбатдагиси Тошкент давлат иқтисодий университетида бўлиб ўтди.

Конференцияда делегатлар, шунингдек, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдухалил Раҳмонов, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши бош мутахассиси Равшанхон Маҳмадалиев иштирок этди.

Қасаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти акс этган маъруза қизгин муҳокама қилинди. Шундан сўнг қасаба уюшмаси кўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлигига сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Саноқ комиссияси баённомасига кўра, Акбарали Аҳмедов Тошкент давлат иқтисодий университети қасаба уюшмаси кўмитаси раиси, Ойбек Абдуллаев эса кўмита раиси ўринбосари лавозимларига сайланди.

Ўз мухбиримиз



ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ МУҲИМ

ТАНЛОВ

«Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги» доирасида Фуқаро муҳофазаси институти ҳамда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ҳамкорлигида «Фуқаро муҳофазаси тадбирларини ташкил этишда энг фаол таълим муассасаси» танлови ўтказилди.

Танловда академия талабаларидаги билим ва кўникмаларини баҳорининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўникмаларини баҳолаш учун викторина, расмлар кўргаз-



маси, кўтқарув тузилмаларининг саф кўриги, эвакуация машқлари ва жабранганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирлари бўлиб ўтди. Улар кўтаринки руҳда ташкил этилди ҳамда талаба, профессор-ўқитувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларда катта таассурот қолдирди.

Академия талабаларининг танлов шартлари асосидаги назарий ва амалий билимлари ҳамда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича кўргазмалли машқлари мутахассислар томонидан баҳоланди. Ғолибларга фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

– Ойлик доирасидаги ушбу тадбир талаба, профессор-ўқитувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ҳар томонлама фойдали бўлди, – дейди Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи полковник Б.Алимов. – Бундай мулоқотлар уларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича билимлари ва амалий кўникмалари мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Наваҳор ЭШПҲЛАТОВА,
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси
Ешлар масалалари ва маънавият-марифат бўлими услубчиси

Иш унумдорлигида меҳнат муҳофазасининг аҳамияти катта. Шу боис ишчи-ходимлар бу борадаги тегишли йўриқномалар билан таништириб борилади. Лекин ҳамма корхона-ташкilotда ҳам шундайми? Меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ чора-тадбирларни замон талабларига мос деб айта оламизми? Мабодо, ҳаётимизда оммалашиб бораётган сунъий интеллект ва рақамлаштириш тизими меҳнат муҳофазасида жорий этилса-чи? Бу турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда қўл келадими?

ЭНДИ МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БАЖАРАДИМИ?

Бу каби саволларга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан 28 апрель – Бутунжапон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб «Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли» шиори остидаги ҳафталик доирасида жавоб изланади. Истардикки, ушбу тадбирларда вилоятнинг туман ва шаҳар ташкилотлари иш берувчи раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилувчи мутахассислари унга оид санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шароитлари яратилиши бўйича янги таклиф, режалар билан фаол иштирок этишади.

Тадбирлар доирасида «Энг яхши корхона», «Энг яхши қасаба уюшмаси», «Энг яхши вакил», «Энг яхши ёш мутахассис» номинациялари бўйича республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилади.

Аброр САМАДОВ,

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси



ЯРАҚЛАГАН ҲАР НАРСА ОЛТИН БЎЛАВЕРМАЙДИ

автофирибгарлардан сақланиш бўйича Германия тажрибаси

2030 йилга бориб ер юзидagi автомашиналар сони 2,5 миллиардга етиши (ҳозир 1,3 миллиард) тахмин қилинмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу рақамлар кун сайин ошиб бораётганига шак-шубҳа йўқ (Ҳозир тахминан ҳар 9 кишига 1 та автоулов тўғри келади). Сабаби, кўпчилик халқлар қаторида юрдошларимизнинг ҳам автомашина сотиб олишга иштиёқлари баланд. Аини чоғда, бу қизиқшдан ўз нафси йўлида фойдаланаётган фирибгарлар ҳақида тез-тез хабарлар чиқиб туради. Ана шу ахборотларни таҳлил қилсак, бир нарсa – қимматбаҳо автоуловларни фирибгарлар, одамларнинг истаги ва хоҳишини ўрганган ҳолда, анча арзонга ва тез олиб беришга ишонттира олгани аён бўлади. Қизиғи, бундай ҳолатлар қанча такрорланганига, тегишли ташкилотлар ходимлари фуқароларимизни алдов тўрларига илиниб қолмасликка ундаётганига қарамасдан, осон йўл билан автомашинали бўлиш илнжидида юрган юрдошларимиз ҳамон учрамоқда.

ГЕРМАНИЯЛИКЛАР ҚАЙСИ МАШИНАЛАРНИ КЎП ТАНЛАШАДИ?

Ушбу мамлакатда автомобиль сотиб олиш куйидаги асосий қадамларни ўз ичига олади. Автомобиль танлаш: янги ёки фойдаланилган автомобильни автосалонлар, дилерлар ёки хусусий сотувчилар орқали топиш мумкин. Харидорда машинани нақд пулга олиш имконияти бўлмаса, банклар ёки молия муассасалари орқали кредитга олади. Бунда олдиндан тўлов миқдори ва кредит шартлари танланган молия муассасасига боғлиқ. Молиявий масала ҳал қилинган, автомобильни рўйхатдан ўтказиш лозим. Ундан олдин эса мажбурий сугурта полиси (Haftpflichtversicherung) олинади. Сўнгра машина маҳаллий транспорт идорасидан рўйхатдан ўтказилади.

Мамлакатда автосалонлар расмий дилерлар бўлиб, автомобиль ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри ишлайди. Ишлатилган автомобиллар (Gebrauchtwagen) техник куриқдан ўтказилади ва кафолат билан сотилади.

Автомобиль бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етакчи ўринни эгаллайдилар. Айниқса, Volkswagen, Mercedes-Benz, BMW ва Audi каби брендлар энг кўп сотиладиган автомобиллар қаторига киради. Бу брендлар сифат, ишончлилик ва сервис хизматлари билан машҳур бўлиб, харидорлар орасида катта талабга эга. Шунингдек, ишлатилган автомобиллар бозори ҳам фаол ривожланган. Харидорлар турли онлайн платформалар ва автосалонлар орқали ўзларига мос машиналарни топишлари мумкин.

Хорижий брендлар орасида эса Ford ва Toyota энг кўп учрайди. Ford брендининг Германиядаги фаолияти узоқ тарихга эга бўлиб, мамлакатда

ишлаб чиқариш қувватларига эга. Toyota ўзининг ишончилиги ва тежамкорлиги билан немис харидорлари орасида машҳур.

НАҚД ВА КРЕДИТ АСОСИДА ХАРИД ҚИЛИШ

Германияда йирик харидлар, жумладан, автомобиль сотиб олишда кўпинча кредит ёки лизингдан фойдаланилади. Бу усуллар орқали харидорлар молиявий юкларни вақт бўйича тақсимлаб, янги ёки ишлатилган автомобилларга эга бўлишлари мумкин. Масалан, нақд пулга Volkswagen автомобилни сотиб олишда куйидаги харажатлар келиб чиқади:

Янги Volkswagen Golfнинг базавий модели тахминан 28,330 евродан бошланади, юқори конфигурацияли моделлар 30 минг евродан ошади. Ишлатилган автомобиллар ишлаб чиқарилган йили, юрган масофаси ва ҳолатига қараб арзонроқ бўлади. Автомобилни маҳаллий транспорт идорасида рўйхатдан ўтказиш учун 30-70, давлат рақами олиш учун 15-30, техник куриқ учун (янги автомобиллар учун 3 йилдан кейин талаб этилади) 100-150 евро кетади. Йиллик сугурта тўлови тахминан 300-800, йиллик йўл солиғи 100-200 еврога ташкил этади.

Автокредитлар 3-5 йил муддатга йиллик 3 фоиздан 5 фоизгача тақдим этилади. Бошланғич тўлов одатда автомобиль кийиматининг 10-20 фоизини ташкил этади. Мисол учун, сиз 28,330 евролик Volkswagen Golfни 5 йил муддатга, йиллик 4 фоиз ставкаси билан, 20 фоиз бошланғич тўлов (5,666 евро) тўлаб сотиб олсангиз, ойлик тўловлар тахминан 425 еврога ташкил этади. 5 йил давомида умумий фоиз тўловлари тахминан 2,834 евро бўлади.

ОЛДИНДАН ТЎЛОВ МАСАЛАСИ

Албатта Германияда ҳам олдиндан тўлов бор. Янги автомобиль буюртма қилсангиз, автосалон буюртмани расмийлаштириш учун олдиндан тўлов талаб қилиши мумкин. Бу одатда 10-20 фоиз атрофида бўлади. Ишончсиз, кичик автосалонлар ёки хусусий сотувчилар эса олдиндан 100 фоиз тўлов талаб қилишлари мумкин. Бундан ташқари, кредит ёки лизинг шартномаларида автомашина олаётган бўлсангиз ҳам, дастлабки бадал сифатида харид миқдорининг маълум қисмини олдиндан тўлов қилишингизга тўғри келади. Бундан ташқари, Германияда яшамайдиган чет эллик харидорларга ёки мамлакатга янги келганларга ҳам баъзи сотувчилар хавфни камайтириш учун олдиндан тўлов сўраши мумкин.

Агар хусусий шахс ёки номаълум автосалон олдиндан 100 фоиз тўлов талаб қилаётган бўлса, бу фирибгарлик белгиси бўлиши ҳам мумкин. Зеро, ярақлаган ҳар нарсa олтин бўлмаганидек, сизга арзон сотаямиз, деб таърифланаётган автомашинанинг ҳам аслида бор-йўқлиги, ҳужжатлари жойидалиги, тарихи билан қизиқсангиз, агар у муаммоли

машина бўлса, албатта нимадир шубҳали белгиси чиқади. Шу боис товарни кўрмасдан ёки ҳужжатларини кўздан кечириб, расмийлаштирмасдан олдин тўлов қилманг. Германияда янги автомобилларга қонун бўйича 2 йиллик кафолат берилади. Ишлатилган автомобилларнинг кафолат муддати эса келишувга боғлиқ. Лекин у 1 йилдан кам бўлмайди. Онлайн ёки масофадан сотиб олинганда харидор автомашинани 14 кун ичида сабабсиз қайтариш ҳуқуқига эга.

Немис мутахассислари ёзма кўринишдаги сотиб олиш шартномаси (Kaufvertrag) тузишни тавсия этади. Айниқса, ишлатилган автомобиллар учун. Бу келишув харидор ва сотувчининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди. Қолаверса, унда автомобилнинг аниқ тавсифи, нархи, етказиб бериш шартлари ва кафолатлари каби муҳим маълумотлар акс этади.

ЖИНОЯТ ВА ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Германия энг ривожланган давлатлардан бири бўлиб, автомобиль бозори яхши йўлга қўйилган, ҳуқуқий муҳофаза кучли бўлишига қарамасдан, барибир фирибгарлик ҳолатлари учраб туради. Айниқса, ишлатилган автомобиллар бозорида. Шунинг учун ҳуқуқ ҳимоячилари автомобиль савдосида куйидаги жиҳатларга эътиборли бўлишга чақиради:

1. Ҳаддан ташқари арзон таклифлар. Агар автомобиль нархи бозор нарҳидан анча паст айтилса, эҳтиёт бўлиш керак. Сотувчидан автомобиль ҳақида кўпроқ маълумот олиш ва унинг VIN-коддини текшириш тавсия этилади.

2. Қармоқ – олдиндан тўлов усули. Сиздан автомобилни сотиб олиш учун олдиндан тўлов қилишни сўрашади, ҳатто анча арзон нарх таклиф қилишади. Аммо машина мавжуд эмас. Фирибгарлар «Қариндошим сотиб олмоқчи, тезроқ бир қарорга келинг, акс ҳолда, сотиб юбораман», деган гапларни айтиб, сизга босим ўтказишади. Аслида бу уйдирма, фирибгарликнинг белгиси бўлиб чиқиши эҳтимоли катта. Шу боис ҳеч қачон автомобилни кўрмасдан ва ҳужжатлари билан танишмасдан олдиндан тўлов қилманг.

3. Оғир жароҳатлар ёки авариядан кейин таъмирланган машиналар. Айрим сотувчилар аварияга учраган машиналарни таъмирлаб, уларни «мукамал ҳолатда» деб кўрсатишади. Машинани расмий сервисда диагностикадан ўтказинг.

4. Лизингга олинган ёки кредитдаги машиналар. Айрим ҳолатларда автомобиль гаровда ёки кредитда бўлади, лекин бу ҳақда айтилмайди. Шу боис текхаспорт ва автомашинага тегишли бошқа маълумотларни текширинг.

5. Қалбаки ҳужжатлар ва одометр фирибгарлиги. Айрим фирибгарлар машинанин юрган масофасини пасайтиради. Шу боис Германияда TÜV ёки Dekra платформаси орқали машинанин тарихини текшириш тавсия қилинади.

Бундан ташқари, аҳолига фақат ишончли манбалардан автомашина сотиб олиш – расмий дилерлар ёки ишончли автосалонларга мурожаат қилиш, тўловни хавфсиз усулда амалга ошириш – нақд пул ўрнига банк ўтказмалари ёки автосалон орқали тўлаш тавсия қилинади. Машинага тўлов қилишдан олдин, албатта, шахсий куриқ ва тест-драйв қилиш зарурлиги таъкидланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА НИМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК?

Автофирибгарлар сохта автосалонлар ёки дилерлик марказлари ташкил этиб, фуқаролардан олдиндан тўлов олиб кейин ғойиб бўлишади. Уларнинг асосий жалб қилувчи жиҳати интернет орқали арзон нархларда автомобиль сотиб олиш имкониятини таклиф қилишидир. Бу машинали бўлиш истагида юрган юрдошларимизни эътиборсиз қолдирмайди. Фирибгарлар эса ана шундан фойдаланишди ва тўлов пулларини қўлга киритгандан сўнг алоқага чиқмай қўйишади.

Аҳолида эса замонавий тўлов технологиялари, улар билан боғлиқ хавфсизлик бўйича билим ва онглилик паст. Онлайн фирибгарлик ривожланаётган бугунги даврда бу панд беради. Ҳар бир инсон ўзини ривожлантириб бориши зарур. Иккинчидан, фуқароларга тегишли маълумотнинг сақланиши, уларнинг ҳимоя чоралари заиф. Ташкилотларда ҳам шу нарсa кўзга ташланади. Корхона ва ташкилотларнинг ишчи-ҳодимларига тегишли маълумотларни фирибгарлар осонгина қўлга киритишлари мумкин. Фирибгарликка қарши қонунлар, уларнинг ижроси етарли даражада эмас, жазолар самарасиз. Шу боис қонунчилик жиҳатдан ҳам бу масала қайта кўрилишга муҳтож.

Хулоса шунки, юртимизда автотўловлар билан боғлиқ фирибгарлик жиноятларини камайтириш учун, бизнеснинг, аҳолининг технологик саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва ахборот хавфсизлиги чораларини кучайтириш зарур.



Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»



45 дан ортиқ нишонга зарба берилди

Исроил мудофаа армияси (ЦАХАЛ) 9 апрель кунни эълон қилган баёнотда қайд этилишича, бир сутка давомида Ғазо секторида 45 дан зиёд нишонга зарба берилган.

Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари ер устидаги объектлар билан бир қаторда, ер ости инфратузилмасини ҳам бомбардимон қилган. Ғазонинг жанубий қисмида бир неча шахталар ва туннеллар, ер остида жойлашган қўмондонлик пунктлари йўқ қилинган. Ғазо шимолида эса жанговар ҳаракатлар Шужоийа маҳалласида кечяпти. Ушбу ҳудуд ХАМАС жангариларининг кучли таъсири билан танилган, аҳоли зич яшайдиган маҳаллалардан бири ҳисобланади.

Microsoft Appleni ортда қолдирди

Америкадаги Apple корпорацияси дунёдаги энг қиммат компания мақомини Microsoftга бой берди. Маълумотларга кўра, Apple акциялари 5 фоизга арзонлашиб, компаниянинг бозор қиймати 2,59 триллион долларга тушган. Microsoft эса фақат 1 фоиздан камроқ йўқотиб, капитализациясини 2,64 триллион доллар даражасида сақлаб қолган.

Апрель бошидан буён Apple акцияларининг қиймати 22 фоизга пасайган, бу эса компаниянинг умумий қиймати тахминан 750 миллиард долларга камайтирган. Инвесторлар бу инқирозни Трамп маъмуриятининг иқтисодий сиёсати оқибатлари билан боғлашмоқда. Вашингтон Хитойдан олиб кириладиган товарларга божларни оширди, бунга жавобан Хитой шунга ухшаш чора кўрди. Бу эса кенг қамровли савдо уруши бошланиши хавфини оширди.

Мигрантларга жарима қўлланилади

Оқ уй мамлакатда депортация қарори чиқарилганидан сўнг қолган мигрантларга нисбатан босимни кучайтириш ниятида. Бу ҳақда Reuters агентлиги ички ҳужжатларга таянган ҳолда хабар берди.

Маъмурият режаларига кўра, бу каби қонунбузарларга ҳар кун 998 долларгача жарима солиниши, жарима тўланмаган тақдирда, мол-мулки мусодара қилиниши мумкин. Ушбу чоралар беш йилгача амал қилиши эҳтимоли бор. Бундай ҳолатда, жариманинг умумий миқдори баъзан 1 миллион доллардан ҳам ошиб кетади.

Трамп божлар ҳақида гапирди

Миллий республикачилар конференциясида сўзга чиққан Дональд Трамп ўзи жорий қилган божларга башқа давлатларнинг муносабатини ҳазилому тазда изоҳлади.

«Улар бизга кўнроқроқ қоқиб, илтимос қилишяпти: «Жаноб, келишув тузинг, ҳаммасига розимиз!», деган Трамп. Унинг таъкидлашича, Хитой АҚШ ҳаракатларига мавжуд қонун-қоидаларга зид жавоб қайтармоқда. У фойдали келишувга эришилганга қадар божларни сақлаб қолиш тарафдори эканини маълум қилган.

Хитой: «Трамнинг божлари – шантаж. Биз чўчимаймиз»

Хитой Халқ Республикасининг АҚШдаги элчихонаси расмий вакили Лю Пэньюй Вашингтонни кўрқитиш ва халқаро савдо қоидаларини бузишда айблади.

«Қўшма Штатлар таҳдид ва босим ўтказиш амалиётидан воз кечиши керак. Хитой бу каби уришишларга таслим бўлмайди ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўради», деди у. Унинг сўзларига кўра, АҚШ бож механизмларидан ўз фойдаси учун ҳаддан ташқари фойдаланмоқда, бу эса глобал иқтисодиёт барқарорлигига путур етказди. «Агар Вашингтон можаро йўлини танласа, Хитой охиригача курашади», дея қўшимча қилди у.

АҚШ USAID орқали олти мамлакатда ёрдамни тиклайди

АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) Иордания, Сомали, Ироқ, Ливан, Сурия ва Эквадорда аввал тўхтатилган ёрдам дастурларини қайта тиклайди. Бу ҳақда Reuters агентлиги USAID раҳбари вазифасини бажарувчи Жереми Левин юборган ички мактубга таянган ҳолда хабар берди.

Қарор БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури танқидидан сўнг қабул қилинди. Ушбу ташкилот ёрдамнинг тўхтатилиши инсонпарварлик инқирозини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида огохланган эди.

Трамп Германияни айблади

Дональд Трамп Германиянинг энергетика сиёсати танқидий муносабат билдирар экан, мамлакат раҳбариятини «ашил» энергияга ўтиш орқали иқтисодий таназзулга олиб келганлиқда айблади.

«Германия шунчалик «яшил» бўлдики, банкротлик ёқасига келиб қолди. Энди эса яна кўмирга қайтмоқда», деди Трамп Оқ уйдаги чиқишида. У АҚШда кўмир саноатини қўллаб-қувватлашга қаратилган тўртта фармонни имзолади. Улар орасида федерал ерларда қазиб олишга жорий этилган чекловларни бекор қилиш ҳам бор.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 18 мартдаги сонида «Жавобини кутаётган саволлар» рўқни остида Ўзбекистон мусулмонлар идорасига «Савобнинг «тўлов»ни ўйлаб кўрармиз...» деган савол ўйлаган эдик. Унда ош маросимлари, айниқса, амру маъруфларда маъруза қилган домларга хизматлари эвазига «тўлов» қилиниши қанчалик тўғрилиги масаласи кўтарилган эди. Куйида унга Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан келган жавобни келтирамыз:

ҲАДЯ БЕРИШ – АНЪАНА

Домларга тақдим этиладиган эҳсонни ҳадя, дейиш мумкин. Диний-маънавият ҳадяни ҳар ким ишончига қараб хоҳлаган инсонига беришга ҳақли. Миллий кадриятларимизга кўра, хонадонга ташриф буюрган меҳмонларни, жумладан, домларни турли софга-ҳадялар билан кузатиш анъанага айланган. Шунинг учун бу анъана таъқиб билан боғлиқ мазмундаги фатво ёки кўрсатма бериш миллий ва диний кадриятларимизга тўғри келмайди. Ана шуларни ҳисобга олиб, им-

кони борлар ҳадя тақдим қилишлари ва имкони бўлмаганлар ўзларини қийнамасликлари тавсия этилади.

Аллоҳ таоло барчамизни икки дунё соадатига мушарраф айласин!

Ҳ.ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари

Эълонлар

Янгийўл туманидаги «AGRO CULTURE BUSINESS» масъулияти чекланган жамиятининг думалок муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Фуқаро NIYAZOVA SEVARXON KUTRITDINOVNA 14.02.2025 йилда вафот этгандан сўнг Тошкент шаҳрида мерос иши очилгани маълум қилинади. Ушбу марҳумнинг меросхўрлари мерос улушини олиш учун Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги хусусий амалнинг билан шуруллашувчи нотариус ХАЙИТБАЙЕВА ДИЛДОРА ВАХТИГ'ОРУНА нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади. Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 6-маъсеси, 36/1-уй, тел: (71) 251-90-90.

«UZUM TEZKOR» MChJ XK o'zining xizmati bo'lgan «Uzum Tezkor»ning foydalanuvchisi shartnomasiga kiriltilgan o'zgarish va qo'shimchalar haqida foydalanuvchilarni xabardor qiladi.

O'zgarishlar haqida havoлада tanishib chiqishingiz mumkin: <https://uzumtezkor.uz/terms-of-use> (rus tilida) <https://uzumtezkor.uz/terms-of-use> (o'zbek tilida)

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Тошкент давлат шарқшунослик университети касаба уюшмаси кўмитаси раиси Чарй Хусанова опаси

Зайнаб ХУСАНОВА вафот этгани муносабати билан ҳамдардик билдирди.

